



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 10
(931)
2025 йил
13 март,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

Қонунга шарҳ

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Бугун инсоният иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ ўта таҳликали замонда яшамоқда. Ушбу таҳликалар, аввало, атроф-муҳит ифлосланиши, ер деградацияси, сув ресурсларининг қисқариши, ичимлик суви танқислиги ва биологик хилма-хилликнинг қисқариши билан яққол сезилмоқда.

МУВОЗАНАТИ

Жорий йилнинг 24 февраль куни кучга кирган “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонун буғунги глобаллашув жараёнларида атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида муҳим ҳуқуқий хужжат ҳисобланади. Қонуннинг “Атроф-муҳитни асрар ва “яшил иқтисодиёт” йилининг илк ойларида қабул қилиниши эса мазкур йилни самарали амалга оширишдаги аҳамиятини белгилаб беради.

Экологик экспертиза фаолияти атроф-муҳит муҳофазаси тизимининг муҳим тадбири бўлиб, мазкур жараён режалаштирилаётган корхонанинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда мазкур лойиҳани рӯёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизнинг ийрик аҳоли пунктларида, хусусан, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ортиб бораётгани кузатилмоқда. Бунга иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ табиий омиллар каторида инсон фаолияти бўлган антропоген ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда.

Янги Ўзбекистон даврида мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2020 йилда улар сони 85 мингтани ташкил қилган бўлса, 2024 йил якунига келиб салкем 115 мингтани ташкил этмоқда. Бироқ, мазкур корхоналар фаолияти қайсиdir даражада атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатади, шу сабабли экологик экспертиза қонунчилигига асосан улар экологик экспертиза обьектлари ҳисобланади.

Амалдаги экспертиза қонунчилигига эса мазкур корхоналарнинг ўз фаолиятларини бошлашдан олдин давлат экологик экспертизасини ўтказишнинг мажбурийлиги ҳамда ижобий хуласасиз лойиҳаларни амалга ошириш маън этилганлиги ҳуқуқий даражада белгилаб қўйилган.



2



АҲИЛЛИККА НИМА ЕТСИН

Аҳиллик тушунчаси ҳақида гап кетар экан, унинг негизида ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қонқардошлиқ, иноклиқ ва хайриҳолик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик ётади.

Шунингдек, аҳиллик тушунчасини аҳил дўстлар, аҳил оила, аҳил кўни-кўшиллар, аҳил ҳамкаслар, аҳил маҳалла, аҳил ҳамкор мамлакатлар каби маъноларда ишлатиш мумкин. Аҳиллик байналмилаллик, толерантлик, бағрикенглик, маънавий яқдиллик,

муайян вазифани кўпчилик ёрдамида бажариш, бир-бирини қўллаб-куватлаш каби олижаноб гояларга яқин туради.

Бугунги кунда дунёда қанча давлат, миллат бўлса, уларнинг бир-бираига ўҳшамайдиган ўзига хос жиҳатлари бор, албатта. Шу маънода ҳалқимиз азал-азалдан бир-бирининг кувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайғуриш, ийқилганни суюш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби олижаноб фазилатларни юксак қадрлаб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

3



ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!

Юртимизга шарқона янги йил бошланадиган, барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва бетакрор, фасллар келинчаги Наврўзи олам ташриф буормоқда. Наврўзи олам азалдан баҳор, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик рамзи сифатида маънавий ҳаётимизнинг кўрку зийнати бўлган.

Она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултоғи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу гояларни ўзида мужассам этган Наврўз ҳалқимизнинг энг қадими, миллий байрамидир.

4

ИНСОН ВА ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Хабарингиз бор, Давлатимиз раҳбари парламент палаталари ийғилишидаги маърузасида “Атмосфера ҳавосига зарарли газларнинг ташланиши, ҳаёт учун энг зарур бўлган сувнинг ифлосланиши, тупроқ эррозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғилардан самарасиз фойдаланиш биринчи навбатда глобал иқлим ўзгаришига, табиий оғатларнинг тез-тез содир бўлишига олиб келиши ва бу эса ўз навбатида атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатмоқда, аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда”, дея алоҳида таъкидлади. Бу эса, ўз навбатида, йирик корхоналарда экологик ишлаб чиқишга ўтишни кўллаб-кувватлаш тизимини жорий қилиш бўйича қонунлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Боз устига, сўнгги йиллар-

да глобаллашув жараёнларининг кескин жадаллашуви атроф-мухит ҳолатига ҳам салбий таъсирларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Шу боис давлат экологик экспертизаси сиёсатини халқаро мөърлар асосида олиб боришни, табиий ресурслар билан боғлиқ саноат корхоналарига янгича экологик талаблар кўйишина тақозо этмоқда. Шу нуқтаи-назардан олиб қарагандা қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза, атроф-мухитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги Қонуни, аввало, стратегик экологик баҳолаш йўналиши стратегик ҳужжатлар лойиҳаларида белгиланган тадбирларнинг атроф-мухитга таъсирини олдиндан аниқлаш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва чоралар кўриш имконини яра-


тади. Бундан ташқари, Қонун нормаларида давлат экологик экспертизаси институти қатнашчилари, яъни буюртмачи ва эксперталарнинг хукуқ ва мажбуриятлари, лойиҳачининг жавобгарлиги аниқ белгилаб кўйилмоқда. Мазкур нормалар соҳанинг самарадорлиги ва сифатини оширишда хизмат қиласи. Шунингдек, қонун мамлакатимизда баркарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш орқали экологик хавфсизликни таъминлаш, халқаро мажбуриятларни тўлақонли бажариш ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларга тўлиқ эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, обьектларининг атроф-мухитга таъсири то-

ифалари халқаро талаблар асосида оптималлаштиришdir. Ушбу механизм билан минглаб кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги бюрократик тўсиқларга барҳам берилади. Бу орқали тадбиркорларнинг ортиқча вақт ва молиявий харажатлари кисқартирилишига эришилади.

Мазкур соҳада халқаро талабларни, демократик тамойилларни жорий этиш ҳисобига хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар учун экологик экспертиза институтининг ишончли ва очиқлигини, шаффофлигини таъминлашга замин яратади.

Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари
ва экология қўмитаси раиси



(Боши 1-саҳифада)

Бироқ, мамлакатимизда экологик экспертиза ўтказишнинг хукуқий асослари бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитларида экспертиза объектларига кўйилаётган экологик талаблар халқаро талабларга мутлақ жавоб бермайди. Амалдаги “Экологик экспертиза тўғрисида”-ги қонун бундан салкам чорак аср олдин қабул қилинган бўлиб, ундаги аксарият нормалар ҳавола хусусиятга эга эканлиги, қонуности ҳужжатларининг эса тарқоқлиги соҳа самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Экологик экспертиза институтида иштирок этувчиларнинг хукуқ ва мажбуриятлари кўрсатилмаганлиги, айрим экспертиза жараёнларининг хукуқий механизмлари мавжуд эмаслиги ҳам ушбу тадбирни амалиётда кенг кўллашни чекланишига сабаб бўлаётган эди. Бунда, экологик экспертиза объектларининг атроф-мухитга таъсири

бўйича тоифасининг кўплиги ҳамда тоифаларни фарқлашнинг аниқ мөъзонларининг мавжуд эмаслиги ҳам экспертиза жараёнларида нокулайликларни келтириб чиқармоқда.

Хозирда мамлакатимизда экологик экспертиза институтининг иштирокчилари бўлган тўрт юзга яқин атроф-мухитга таъсирни баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи тадбиркорлик субъектлари, яъни экологик лойиҳачилар фаолият олиб боради. Бироқ, амалдаги қонунда уларнинг фаолияти хукуқий тартиба солинмаган.

Янгиланган қонун билан экологик экспертизадан ўтказишнинг халқаро скрининг ва скоупинг механизмлари жорий этилиши орқали атроф-мухитга таъсир кўрсатиши тоифалари 4 тадан 3 тага туширилмоқда. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиши, хунармандчилик ва савдо хизматларини кўрсатишига йўналтирилган минглаб субъектлар фаолиятига бюрократик тўсиқларни олдини олади, вақт ва молиявий харажатларини қисқартиришга олиб келади.

Амалдаги Қонунда давлат дастурлари, концепциялари, шахарсозлик ҳужжатлари каби стратегик ҳужжатлар экспертиза объектлари хисоблансада, бундай лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказишнинг хукуқий механизмлари мавжуд бўлмаган. Қонунда стратегик

экологик баҳолаш тизими жорий этилаётганлиги мазкур ҳужжатларда назарда тутилган фаолият оқибатларини олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва тегишли чоралар кўриш имкониятларини яратади.

Шунингдек, стратегик экологик баҳолаш жараёнларида жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш бўйича хукукий механизмнинг алоҳида хукумат қарори билан белгиланиши мамлакатимизда демократик қадриятларни янада мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

“Электрон хукумат” принципилага асосан атроф-мухитга таъсирни баҳолаш бўйича ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг хукукий асослари белгилаб берилмоқда. Ушбу механизм тадбиркорлик субъектлари учун давлат экспертизасига оид материалларни онлайн тарзда тақдим этиш ва шу тартибда хулоса олиш имкониятини беради.

Бу эса соҳада инсон омилини чеклаш орқали тадбиркорлик субъектларининг оворагарчилигини олдини олиш ва тизимнинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда пировард натижада коррупцион ҳолатларга барҳам берилишига хизмат қиласи. Шу билан бир қаторда, экспертизани ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш учун доимий фаолият юритувчи Экспертлар кенгашини ташкил этиш нормаси киритилмоқда. Мазкур норма коллегиал келишув асосида қарор қабул қилиш имкониятларини яратади, соҳанинг холислик ва асосланганлик принципларини таъминлайди.

Қонунда буюртмачи, лойиҳачи ва эколог-экспертнинг ваколатлари аниқлик киритилмоқда ҳамда уларнинг масъулияти кучайтирилмоқда. Лойиҳачиларга нисбатан малака сертификатини жорий этилиши ва ташкилотлар рейтингининг юри-

тилиши улар масъулиятини ва фолијат самарадорлигини оширишга замин яратади.

Давлат экологик экспертиза органлари томонидан биргина 2024 йилда 31 908 та экологик экспертиза хулосалари берилган бўлиб, шундан 673 та лойиҳа экологик талабларга жавоб бермаганлиги сабабли рад этилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, қонунда лойиҳачиларга нисбатан малака сертификатини жорий этиш ва лойиҳа ташкилотларининг рейтингини шакллантиришнинг хукукий асослари белгиланаётганлиги ўз навбатида, улар томонидан экологик талабларга жавоб бермайдиган лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашнинг олдини олишга хизмат қиласи.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга янги йил табригидаги “Биз 2025 йилга мамлакатимизда “Атроф-мухитни асрараш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб ном бердик, бундан асосий мақсадимиз – инсон ва табият мувозанатига асосланган тизим яратишдир”, деган кўрсатмаларининг хукуқий ечими мазкур Қонунда ўз аксини топганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирда қабул қилинган қонун Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг қулай атроф-мухитга ҳамда унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳужжатларини таъминлашга, шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг хукуқий асосларини яратишга ва пировард натижада экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қиласи.

Гайрат МУҲАМЕДОВ,
“Давлат экологик экспертизаси маркази”
Давлат муассасаси
Бош директори.



АҲИЛЛИККА НИМА ЕТСИН

(Боши 1-саҳифада)

Жамиятда яшаш, энг аввало, аҳилликни талаб қиласи. Айниқса, кўни-кўшничилиқда аҳил яшашининг хосияти жуда улуғ. Кўни-кўшни аҳил бўлса, нур устига нур. Бир кўшни мушкул ахволда қолганида, бошқалари кўмакка келиб, ёрдам қўлини узатса – бу халқ учун ҳам, жамият, давлатимиз, динимиз учун ҳам фойдадир. Халқимизнинг “Ховли олма, қўшни ол”, “Ён қўшни – жон қўшни”, “Қўшнинг тинч – сен тинч” каби ҳикматли ибораларида қўшилар орасидаги аҳиллик, олижаноблик, меҳр-окибат улуғланади. Кон-кариндошлар аҳиллиги – инсон ҳаёти мобайнида турли синовлардан ўтади: тўй қилиб, эл олдига дастурхон ёзиши ҳам бир синов; дағн маросими ҳам бир синов; иморат куриб, уй-жой қилиш ҳам бир синов. Мана шунда қариндош-урӯғ, ошна-оғайниларнинг ёрдами, маслаҳати, хизмати керак бўлади. Демак, кариндошлар ўртасидаги аҳиллик – инсоннинг бутун ҳаётини, яшаш тарзини, унинг қандай инсон эканини синовдан ўтказишда намоён бўладиган энг муҳим ижтимоий-маънавий ҳодисадир.

Миллий аҳиллик – битта халқ, битта миллатга мансуб фуқароларнинг ягона мақсадлар йўлида бир тану бир жон бўлиб яшashi миллий аҳиллик ҳар қайси халқ ёки давлатнинг тарих синовларидан муваффакиятли ўтиб, ўзининг буюк салоҳиятини намоён этишда бекиёс аҳамият касб этади. Халқлараро аҳиллик – халқаро миқёсда намоён бўладиган, тинчликпарварлик акциялари чоғидаги аҳиллик, бирдамлик ҳатти-ҳаракатлар мажмуи. Ҳозирги глобаллашув шароитида Ер юзида тинчликни сақлаб қолишида халқлар ўртасидаги аҳиллик жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Барча замонларда давлатнинг ривожланиши тинч-осойишта ҳаёт кечиришга узвий боғлиқ бўлган. Зоро, энг йирик давлатлар ҳам фитналар сабаб ҳалокатга учраган. Шу сабабли тинчликни сақлаш, огоҳлик ҳамда хушёрликни ошириш ҳар бир замон ва маконнинг муҳим талаби

бўлган. Айниқса, ҳозирги мураккаб даврда турли сабаб ва омиллар билан низо чикаришга ҳаракат қилаётган томонлар кўпайиб бораётган бир паллада осойишталиқни таъминлаш учун астайдил қайғуриб яшаши даврнинг ўзи тақозо этаётганини барчамиз яхши англаб турибиз.

Янги Ўзбекистонда динимиз равнақ топаётгани ва мўмин-мусулмонлар фаровон ҳаёт кечираётгани ҳам тинчлигимиз шарофатидандир. Аллоҳ таоло мўътабар диёrimiziga ўзининг азиз неъмати — тинчлик, осойишталиқни берди, кут-барака, фаровонликни ато этди.

Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданийини ривожлантириш, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида куйидаги фикрларни илгари сўрган: “Маълумки, қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келади. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитета асосини ташкил этади”.

Мамлакатдаги 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари, 150 га яқин миллий маданий марказларнинг фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш борасидаги амалий ишларга алоҳида эътибор қаратди. Шу ўринда Ўзбекистонда қабул килинган Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепциясининг муҳим аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида турли миллат вакиллари ўртасидаги бирордарлик ва дўстликни, ўзбек халқининг азал-

дан халқпарвар ва дўстпарвар бўлиб келганлигини юксак маҳорат билан тасвирлаган. Бу достонда дўстлик инсонийликни асосий белгиларидан бири сифатида талқин этилади. Дўстлик, садоқат, севги ва вафо, аҳиллик жой ва миллат танламаслиги Фарҳод, Шопур ва Шириш тимсолида акс эттирилади. Фарҳод ва Шопур ўртасидаги абадий дўстлик уларнинг фикрий ва маънавий муштараклиги, эл-юрт, Ватанга муҳаббати ва садоқати, тенгиз жасорати ва мардлигига асосланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати экан, энг катта бойлигимиз турли миллат ва конфесиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик бақарор бўлиши давлат сиёсати даражсида қаралиб келинмоқда. Бу борадаги ишларнинг куламини Марказий Осиё давлатлари мисолида қарайдиган бўлсак, бу давлатларини раҳбарларининг биргаликдаги саъй-харакатлари туфайли минтақада бутунлай янги сиёсий муҳит шаклланаб, ишонч ва ўзаро қўллаб-кувватлаш анъаналари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Президентимиз ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида: “Биз ўтган даврда “Ўзбекистон ташки сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада, муштарак сиёсий иродамиз ва биргаликдаги саъй-харакатларимиз натижасида минтақамиз яхши кўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда баракарор ривожланиш маконига айланиб бормоқда”, дея таъкидлайди.

Давлатлар раҳбарлари ўртасида фаол мулоқот ўрнатилиб, ўзаро ҳамкорлик алоқалари юқори дараҷада кенгайиб бораётгани бежиз эмас. Айниқса, давлат чегаралари, транспорт коммуникациялари, фуқароларнинг ўзаро саёҳатларини амалга ошириш каби кўплаб жабҳаларда ўзаро манфаатли ечимларга эришилди. Ўзбекистон барча Марказий Осиё давлатлари билан стратегик шериклик муносабатларини

ўрнатгани икки томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Халқимизда “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”, деган пурмаъно мақол бор. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги минтақавий ташки сиёсатида тарихий ҳақиқатлар, миллий анъаналар ва замонавий тенденцияларни ўзида уйғулаштирган бирлашиш, бир ёқадан бош чиқарип, муаммо ва таҳдидларга қарши курашиб қадрияти ўз ифодасини яққол намоён этмоқда. Бунинг амалдаги самараси сифатида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларига яна бир бор тўхтаби ўтиш жоиз. Мазкур учрашув илк маротаба 2018 йил 15 марта, иккинчи бор 2019 йил 29 ноябрда Тошкентда ўтказилгани ғоятда аҳамиятлидир. Бу каби юксак дарражадаги учрашувларнинг ташкил этилиши Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг кучли сиёсий иродаси, ўзаро ишонч, яхши кўшничилик ва аҳиллик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги қатъий қарашларининг яна бир ёрқин намунасиdir. Ҳозирги кунга келиб, бу учрашувлар доимий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Инсон доим ҳаётдаги воқеа-ҳодисалардан ибрат олиб яшashi лозим. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, деган накл ҳам бежиз айтилмаган. Бугун Янги Ўзбекистонда ҳукм сурган тинчлик ва осойишталиқ яна қаерда бор дегингиз келади. Тинч элга байрамлар, шодиёналар, тўйлар ярашади. Болаларининг шўх-шодон кулгулари бетиним янграйдиган мунаввар маконни ўзга жойдан топа олмаслигиниз аниқ. Ҳа, қалбингиз беихтиёр тинчлик бахш этган сурурдан тўлқинланади.

Доно ҳалқимиз айтганидек, аҳилликка нима етсин.

Б. ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи



Қадриятларинг бокий бўлсин,

Наврӯз!

(Боши 1-саҳифада)

Наврӯз айёми юртимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун, инсон баҳти учун”, деган олижаноб гояга ҳамоҳанг бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланди. Бу мунаввар айём мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳалқимиз қалбига ўзгача тароват, шодиёна, гўзаллик лаҳзаларни тухфа этмоқда. Ушбу улуғ фаслнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган гуманизм, одамзотни бутун борлиқнинг гултоғи сифатида эъзозлаш, она замин ва табиатни асрар-авайлаш тамойиллари бугунги кунда ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

2025 йил 21 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарори билан ушбу айёми бу йил юртимизда “Қадриятларинг бокий бўлсин, Наврӯз!”, деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда кенг нишонлаш белгиланди. Наврӯз айёми ўзининг азалий қадриятлари хисобланмиш миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларни тенглик ва адолат тамойиллари асосида, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади. Наврӯз айёми жамиятда имконияти чекланган ва кам таъминланган эҳтиёжманд кекса ва ногирон инсонлар, камбағал оиласлар, ёрдамга муҳтож қатламларга жамият ва давлат эътиборини қаратиш орқали одамларни савоб ишлар қилишга ундейди. Ушбу мунаввар айём Наврӯз азал-азалдан табиатнинг бебаҳо неъматлари ер ва сув ресурсларини асрар авайлашга атроф-муҳит тозалигини сақлаш, исроғарчиликка йўл қўймасликка даъват этади. Наврӯз олам доимо ўзида ёшликни, навқиронликни, ҳаёт гўзаллиги ва жўшқинлигини улуғлаб келади. Албатта, бу йилги Наврӯз шодиёналари “Атроф-муҳитни асрараш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да нишонлани-

ши янгича руҳ ва ўзгача мазмун касб этади. Шу ўринда, инсон ва табиат ўзаро уйғун яшайдиган экотизим, экоцивилизацияни яратиш Наврӯзнинг даъваткор ғояларидан бирига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда дунё миқёсида вужудга келаётган глобал иқлим ўзгаришлари туфайли пайдо бўлаётган экологик муаммоларни бартараф этишини ҳозирги вақтда ҳалқаро жамоатчилик бу масаланинг накадар муҳим эканлигини чукур англаб этмоқда.

Дунёнинг етакчи мамлакатларида экоцивилизацияни барпо этиш долзарб вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлади. Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадларни амалга оширишга қаратилган кенг қўламли демократик ислоҳотлар жараёнида барча миллий қадриятларимиз катори Наврӯз умумхалқ байрами ҳам ўзига хос маънавий таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг хукуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини тобора чукур англаб бораётган янги Ўзбекистон шароитида Наврӯз, том маънода, умумхалқ байрамига айланиб, эл-юртимиз томонидан катта шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Ҳалқимиз асрлар давомида эъзозлаб келаётган, БМТ тарафидан ҳам ҳалқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврӯзи оламнинг ана шундай бекиёс аҳамиятини хисобга олиб, ушбу айёми мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда, ҳар томонлама юксак савияда, кўтариинки руҳда нишонлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Наврӯз байрами қадимдан табиатнинг уйғониш рамзи сифатида

кенг нишонланади. Ушбу байрамни ҳалқимизда сайиллар ўтказиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш, барчага, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш орқали биргаликда нишонлаш одат тусига кирган. Янгиланиш, яшариш айёми ўлқамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гулчечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлар, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас қисми эканимизни беихтиёр чукур ҳис қиламиз. Бу йилги Наврӯз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фаҳрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Мехрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига қиритилган ва қўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхони ёзиш ҳамда турли хайрия тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча худудларда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ўтказиш белгиланган.

Шарқона янги йил азалдан инсон руҳиятида янгиланиш, яшариш, эзгулик каби туйғулар яра-

тувчи кун сифатида қабул килиниб, ўзгача кайфият билан кутиб олинган, ҳозир ҳам шундай. Бунда оила, қавм-қариндошлар жамланиб, дастурхонга қўклам таомлари тортилиб, бирдамлиқда, бир-бirlарига меҳр улашилади. Демак, бу байрам мурғакликданоқ бола хотирасида муҳрланадиган ходиса ва унда оила муқаддаслигига, оға-ини, опа сингилнинг меҳр улашиш каби бардавом қадриятларига нисбатан ишонч мустаҳкамланади, инсон танаси қувватланади. Инсон ва табиат ўртасидаги муштараклик, дехқончилик мавсумининг бошланиши Наврӯз шодиёналарида ўз ифодасини топган.

Кўп минг йиллик тарихга эга Наврӯз ҳақида юртимиз ҳақидаги энг қадимги ёзма манаб ҳисобланмиш “Авесто”да, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк”, Абу Бакр Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарларида маълумотлар келтирилади. Уларда қайд этилишича, Наврӯзи байрам сифатида нишонлаш милоддан аввалги VI-V асрларда бошланган. Абу Райхон Беруний шундай ёзади: “Бу кун – фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу куни фаришталар яратилган. Бу куни пайғамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу куни күёш яратилган. Бу куни шоҳлар ҳам қадрлайди, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир”. Наврӯз баҳор фаслининг бошланиши, аниқроғи, тенг кунлик тантанасидир. Бошқача айтганда, Наврӯз фалакиёт илми билан боғлиқ. Чунки “ҳамал”, “бурж”, “йил

боши” каби тушунчалар бевосита Ер ва унинг Күёш тизимидағи харакатига, вақтни белгилашга бориб тақалади. Наврўз янгиланиш, янги кун, янги ҳаёт рамзи бўлиш билан бирга, поклик ва шодлик, маънавият ва бирдамлик тимсолидир.

Шундай экан, Наврўзи олам доимо халқимиз учун миллий ифтихор, миллий ғуур, ўзликни англаш ва ҳамжихатлик рамзи бўлиб келган ва шундай давом этади. Қадимий ва миллий байрамимиз юртимизда истиқлол қуёши порлаган онлардаёк қайтадан чирой очди. У бугун ҳаётга муҳаббат рамзи сифатида ардокланади. Баҳор чечакларини қанотида олиб келган Хумо куши юрт кезганида олам ўзгача мунаввар бўлганини дилдан ҳис этмаган киши топилмаса керак. Фасли навбаҳорга пайваста халқ маросимлари, урф-одат ва анъаналари миллий туйгуларимизни янада жўш урдиради. Шу куни шаҳару қишлоқларимизда халқнинг сайилга чиқишини кузатсангиз, дилингиз яйрайди. Шундай дориламон кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтасиз. Кези келганида шуни алоҳида қайд этиш жоизки, хорижда ҳам Наврўз байрами ва уни нишонлашга бўлган қизиқишибора ортиб бормоқда. Умуман олганда, Наврўз асрлар мобайнида биз учун эзгулик тимсоли, инсон қалбидагунёдкор, ёруғ орзу-умидлар куртак очадиган фасл бўлиб келган. Наврўзи олам Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари, яъни бутун халқимиз учун энг суюкли байрам сифатида яхши қўшничилик, ҳамкорлик, маданиятлараро мулоқотларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Инсоният қадриятларининг муҳим қисми бўлиш билан бирга, Ўрта Шарқ, Кавказ, Ўрта ва Жанубий Осиё ҳамда бошқа минтақа халқлари учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган кунлардан бири хисобланади. Шу каби ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний гоялари билан башарият ҳаётидан тобора чукур ўрин эгаллаб келмоқда. Тинчлик ва дўстлик диёри сифатида Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги хисобланмиш кўпмиллатли халқимиз билан биргалиқда юртимиздаги тинчлик ва осойишталики асрлаб авайлаш, миллатлараро тотувлик ва динлараро ҳамжихатлик муҳитини таъминлаш энг катта бойлигимиз хисобланади. Наврўзи олам халқимиз учун доимо янгиланиш, яшариш байрами, миллий ифтихор, миллий ғуур, ўзликни англаш ва ҳамжихатлик рамзи бўлиб тинчлик ва фаровонлик, бирдамлик рамзи сифатида барча ватандошларимизнинг энг суюкли ва қадрли байрами бўлиб қолаверади.

Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази хузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти бўлим бошлиғи,
сиёсий фанлари доктори (DSc),
катта илмий ходим



ҚУРИПИШ ЖАРАЁНИДА ҲАВО ИФПОСЛАНИШИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЖОРӢЙ ЭТИДИ

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг “Қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога қўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги 2025 йил 3 мартағи Конунида белгилаб қўйилган.

Маълумот учун, мазкур Конун аввалроқ Олий Мажлис Сенатида сенаторлар томонидан маъқулланган эди.

Қонунга кўра, ўлчами беш юз квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонида, унга туташ бўлган ҳудудда ҳамда ундан чиқишибўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога қўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талабларни бузиш ёхуд ушбу ҳудудларда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлардан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўйиш:

■ мансабдор шахсларга БХМнинг 10 баравари (3 млн 750 минг сўм) миқдорида жарима солишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса:

■ мансабдор шахслар БХМнинг 50 баравари (18 млн 750 минг сўм) миқдорида жаримага тортилади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач кучга киради.

Мурод НУРМАТОВ,
Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги бош мутахассиси



2024 йилда 600 минг тұндан ортық дарахтлар кесилишининг олди олинды

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим үзгариши вазирлиги ва худуди назорат бошқармалари инспекторлари томонидан дарахтлар кесилишига йўл қўймаслик мақсадида доимий назорат-рейд тадбирлари олиб борилмоқда.

Бунинг натижасида ўтган йиллар давомида дарахтлар, хусусан, мөраторийга киритилган қимматбаҳо дарахтлар кесилиши камайиб бормоқда.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармонига асосан ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий эълон қилинган. 2021 йил 30 декабрдаги “Республи-

қада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-46-сон Фармонига кўра, эса 2022 йил 1 январдан дарахтлар кесилишига мораторий муддатсиз даврга узайтирилди.

Рақамларга тўхтадиган бўлсак, 2022 йилда қимматбаҳо дарахтларнинг ноқонуний кесилиш ҳолатлари 1669 тани ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 2513 тага ёки 61 фо-

изга камайган. 2023 йилда эса қимматбаҳо дарахтларнинг ноқонуний кесилиш ҳолатлари 1098 тани ташкил қилган. Шунингдек, жамоатчилик назорати ва профилактика тадбирлари доимий олиб борилиши натижасида ўтган йил давомида 142 минг 135 туп қимматбаҳо дарахтлар, 492 минг

136 туп кам қимматли дарахтлар, жами 634 минг 271 туп дарахтлар кесилишининг олди олинниб, уларнинг яшовчанлиги сақлаб қолинган.

Бу борадаги рейд тадбирлари давом эттирилмоқда.

Экология вазирлиги дарахтларни ноқонуний кесиш ҳолатларини кескин қоралайди ва бу борадаги ҳар қандай хуқуқбузарлик қонунга қўра кескин жавобгарликка сабаб бўлишини яна бир бор эслатиб ўтади!



ЦЕМЕНТ ЗАВОДЛАРИГА ҚАНДАЙ ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР БЕЛГИЛАНГАН?

Ўзбекистонда фаолият юритадиган ҳар қандай саноат корхонаси, хусусан, цемент заводлари давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosасини олиш лозим.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг «Атроф-мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида алоҳида белгилаб қўйилган.

Цемент заводлари учун бир қанча талаблар мавжуд. Хусусан, аҳолига яқин худудлар, муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва ўрмон хўжалиги худудлари ҳамда уларга яқин жойларда цемент заводлари қуриш тақиқланади. Бунда заводлар аҳоли турар жойларидан камида 500 метр масофа узоқликда бўлиши лозим.

Шунингдек, унумлилиги 99,5 фоиздан кам бўлмаган замонавий филтрли чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатиш талаб қилинади.

Завод аҳоли турар жой бинола-

рига яқин жойлашган ҳолларда худудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимларидан санитария-мельёрий ҳужжатларида белгиланган тартибларга биноан рухсатномалар олиш керак бўлади.

Шунингдек, экологик экспертизанинг ижобий хulosасини олиш учун Й тоифага кирувчи хўжалик субъектларида атмосфера ҳавосига устувор турғун (ташкиллаштирилган) ифлослантирувчи манбалардан чиқадиган ташланмаларни таҳлил килувчи автоматик мониторинг станциялари ўрнатилиши талаб қилинади. Қолаверса, республикада фаолият юритувчи барча цемент ишлаб чиқариш ташкилотларининг атмосфера ҳавосини ифлослан-

тириш манбаларида намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар, шунингдек, уларга туташ худудларда стационар кузатиш пунктлари (постлар) ўрнатилиши керак.

Шу билан бирга, цемент заводлари худудида атмосфера ҳавосига кўтариладиган чангларни бостириш мақсадида сув сепиши тизимини узлуксиз олиб бориш, мазкур обект атроф-мухитни, ер усти ва ер ости сувларини нефть маҳсулотлари ва чиқиндилар билан ифлослан-

тираслиги лозим.

Бундан ташқари, цемент заводлари худудида дарахтлар экилиши, худуднинг камида 25 фоизи қўкаламзорлаштирилиши талаб қилинади.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 2025 йил 30 январдаги 16-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилнинг 1 майидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳрлари ва вилоятлар марказларида цемент ишлаб чиқариши ташкил этиш тақиқланган.



“Атроф-мухитни асрар ва “яшил иқтисодиёт” йилида мамлакат ривожланишининг устувор ёндашувларидан бири 2025 йилда аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯШИЛ МАКОН БЎЛАДИ

Шу ўринда дастурдаги аҳолини қизиқтирадиган ва эътиборини торадиган бир бандга мисол сифатида тўхтамоқчимиз. Масалан, аҳолининг кундалик ҳаётига экологик тамойилларни сингдириш орқали мамлакатимизда “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракатини йўлга қўйиш. Бу аҳоли орасида кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш, “яшил транспортда”, шу жумладан, велосипедда ҳаракатлашини рағбатлантириш, пластик маҳсулотлардан фойдаланишини камайтириш, озиқ-овқат истрофгарчилигининг олдини олиш, сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш кабиларда ўз аксини топади.

Албатта, ҳар биримиз атроф-мухит муҳафасига учун масъулмиз. Яна бир тарафдан белгиланаётган вазифаларнинг инсон саломатлиги учун фойдаласи жуда катта. Эътибор беринг, мана шунга кўшимча равишда бу давлат томонидан рағбатлантирилаётгани. Масалан, юқори кўрсаткичларга эришганларга ҳозирги таклифга кўра, “Экофаол фуқаро” мақомини бериш ҳамда улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоиз чегирма ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банкларда истеъмол кредитини олишда чегирма тақдим этиш назарда тутилмоқда. Оиланинг барча вояга етган аъзолари “Экофаол фуқаро” мақомини олганда, ушбу оиласа “яшил оила” мақомини бериш ҳамда уларга ҳар йили лотерея орқали 14 та электромобиль бериш.

Бу эса “яшил” иқтисодиётни, атроф-мухит муҳофазасини, фуқаролар саломатлигини давлатнинг муҳим бўғини бўлган оиладан бошлаб жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг учун маълум маънода давлат фуқароларни рағбатлантиришни мақсад қилаётгани таҳсинга сазовор.

Давлат дастурида белгиланган бу каби рағбат ва вазифалар биринчи галда фуқароларни экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан бирга, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, атроф-мухитни муҳофаза қилиш келажак авлодларга соғлом ҳаёт ва тоза табиатни мерос қолдиришнинг асосий омилидир. Экологик мувозанатни сақлаш эса инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни таъминлашнинг муҳим йўли, десак адашмаган бўламиш.

Қайд этиш керакки, узоқ йиллар

давомида табиатга етказган озоримиз бугун ўзимизга минг чандон бўлиб қайтмоқда. Бутун коинот, сув, ҳаво, тупроқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ўз мувозанатини йўқотмоқда. Ер юзида яшиллик кескин камайиб, чўлланиш ортиб бормоқда, тупроқ шўрланиб, унинг унумдорлиги пасайиб кетаяпти.

Афсуски, бир ниҳолни ерга қадаб, уни ундириб, вояга етказишдан кўра, бор дов-дараҳтни кесиб ташлаш, керак бўлса илдизини қутиши билан оворамиз. Энг ёмони, дуч келган жойга чиқиндиларни улоқтириб кетишдан, сувни бемалол оқизиб кўйиб истроф қилишдан, газ ва электр энергиясини тежамасликдан уялмаяпмиз.

Ана шу нуқтаи назардан давлат дастурида белгиланган вазифалар бизни табиатга яна эътиборлироқ бўлишга, ҳар бир неъматни кадрига етишга ундаши билан аҳамиятлидир.

Дастурга кўра, 2025 йилда табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида 1 минг километр каналларни бетон қопламага ўтказиб, сув тежовчи технологиялар қамровини 1,6 миллион гектарга етказиш ҳисобига йилига кўшимча 2,5 миллиард метр куб сувни тежашга эришилиши кўзда тутилмоқда.

Ирригация ва мелиорация тизимлари обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали 390 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги ер майдонларининг сув таъминоти яхшилаши, сарфланаётган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида магистрал каналлар ва муҳим сув обьектларида сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизими жорий этилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Яқинда туғилиб ўсган қишлоғимга бордим. Не ажабки, ёшлигимизда қониб сув ичган булоқларнинг 20 дан ортиғи қуриб қолибди. Атрофи олдингидай обод эмас. Қуриган, қовжираган майсалар. Сув бўлмаган жойда ободлик қайда.

Нега бундай бўлди? Чунки иқлим ўзгариши, ҳавонинг меърдан ортиқ исиши ва ифлосланиши бугун қишлоқларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Энг ачинарлиси, табиатга бўлган беписанд муносабатимиз, дов-дараҳтларни аёвсиз кирганимиз, сувни тежашни билмаганимиз бугун биздан шавқатсизларча ўчини олмоқда.

Ота-боболаримиз сувдан оқилона, сарфу сарашталик билан фойдаланган. Дехқончилик ишларини олиб боришида, экинларни суворишида кичик

анҳорларда кўп буғланмасин ва сув кам истроф бўлсин деган қоидага қатъий риоя қилган.

Юқорида айтганларимиздан кўриб турибмизки, ҳалқимизда экологик маданият қадимдан юксак бўлган. Биз-

нинг буғунги кундаги вазифамиз бу бой меросни ўрганиш ҳамда ундан ҳозирги шароитда ёш авлодда экологик маданиятни шакллантиришда етарли дараҷада фойдаланишдан иборатдир.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш малакаларини ҳосил қилиш учун аҳолимиз, айниқса, ёшларимизда меҳнатга янгича муносабатни шакллантириш муҳим омил эканлигини унутмаслик лозим. Ҳудди шунинг учун ҳам мамлакатимизда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш технологияси - томчилаб сувориши, суворишининг ноанъянавий усусларидан фойдаланиш жорий этилмоқда.

Хозирги даврда минтақамизда трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона ва адолат билан фойдаланиш масаласи Орол денгизи муаммоларига бевосита боғлиқдир. Шу боис, Ўзбекистон раҳбарияти Оролбўйидаги барча давлатлар учун мажбурий бўлган ҳалқаро ҳуқуқ қоидаларига риоя этилиши учун фаол курашмоқда. Зоро, Орол муаммоси буғунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга даҳлдор муаммо бўлиб қолгандигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаттганлигини, бепаён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини эътиборга олиш зарур.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда қарийб уч-тўрт йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилиб, Тошкентда Марказий Осиё атроф-мухит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлди.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистоннинг “Яшил макон фалсафаси”ни рӯёбга чиқариш учун буғунги кунда маҳаллаларимиздаги, кўча ва гузарлардаги бўш турган, дараҳт экилмаган жойларда “Маҳалла боғлари”ни яратишими, яшил ҳудудларни кўпайтиришимиз, шахсий намуна сифатида дастлаб ўз хонадонимизни ва кўчамизни обод қилишимиз, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этишимиз зарур.

Шундагина, “Янги Ўзбекистон – Яшил макон бўлади!”.

**Илҳом СУВАНОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
илемий котиби, фалсафа фанлари
доктори (DSc),
доцент**

Муассис:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология,
атроф-мухитни
муҳофаза қилиш
ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАҚИМОВ
Акмал САИДОВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсад
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма раками Г-210
Адади: 1600
Пайшанба куни чиқади.

Коғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигига

2006 йил 0010-ракам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли
чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси

масъуль.


Маълумот учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6



ФАРГОНИЙНИНГ МИСРДАГИ “МУЪЖИЗА”СИ

Қадимги манбаларда “Миср – Нилнинг тухфаси”, дейилган. Дарҳақиқат, Миср тупроғида бетакрор цивилизациялар дунёга келишида Нил дарёсининг аҳамияти бекиёс.



Қадимги мисрликларнинг ҳаёт тарзи бевосита Нил билан чамбарчас боғлиқ эди. Агар Нилда сув оқими камайиб кетса, Мисрда курғоқчилик ва очлик юзага келган. Сув кўпайиб кетиши ҳам вайронагарчилик ва тошқинларга сабаб бўлган. Шу боис, мисрликлар қадимдан Нилда сув оқими йил давомида қандай бўлишини олдиндан билишга қизиқканлар. Нил қирғогида унинг сатҳини аввалдан ўлчайдиган асбоб — нилометрлар ўрнатилган. Дастраски нилометр бундан беш минг йил аввал, Биринчи сулола (эр авв. 3100 - эр.авв. 2900) пайтидаёк ишга туширилган эди.

Улардан яна бири 861 йилда Қохира яқинидаги Равза оролида буюк ватандошимиз Аҳмад Фарғоний (797-865) қайта тиклаган Миқёс ан-Нил курилмасидир. Бу курилма Нил туби билан тенг чуқурликда қазилган маҳсус қудук бўлиб, унга ер остидан қазилган маҳсус қувурлар орқали дарё суви оқиб кирган. Курилманинг ўртасида маҳсус устунлар ўрнатилган ва уларда сув сатҳини ўлчаш учун тегишли белгилар кўйилган.



Мисрда қадимдан белгиланган тамойилларга мувофиқ, агар нилометр ичидаги сув сатҳи 16 тирсак узунлигидан (тажминан 6-7 метр) паст бўлса, Нилда бу йил сув оқими анча кам бўлишини билдирган. Сув бу кўрсаткичдан юқорига чикса, тез орада дарё тошиб, яқин атрофдаги ерларни сув босишини англатган.

Мисрлик дехқонлар шунга қараб ё тошқинга,



ё қурғоқчиликка қарши чораларни кўришган. Агар тошқин хавфи ошкор бўлса, одамлар хавфсиз жойларга кўчирилган. Ҳосил вактида йиғишириб олинган. Қурғоқчилик прогноз килинганда, одамлар озиқ-овқат, дон-дунларини олдиндан ғамлашган.

Тўғри башорат давлат молия тизими учун ҳам ғоят муҳим бўлган. Яъни йилнинг қандай келишига, ҳосилнинг қандай бўлишига қараб, дехқонлар учун солиқлар белгиланган. Шу боис, Нил бўйидаги шаҳарларда ҳали фиръавнлар замонидаёқ нилометрлар ўрнатиш анъанага айланган. Аммо, нилометрлар башорати ҳар доим ҳам ўзини оқламаган. Гоҳида бу башоратларнинг тескариси ҳам рўй берган. Бунда эса, нилометрдаги ноаниқлар сабаб бўлган.

Аббосийлар халифалиги даврида нилометрларнинг аксарияти бузилиб, вайронага айланган эди. Уни қайта тиклаш учун математика, гидрология ва бошқа фанларни аниқ биладиган мутахассислар зарур эди. Халифа Ал-Мутаваккил 861 йил Бағдоддан Аҳмад Фарғоний бошчилигидаги олимларни Мисрга юборади. Кисқа вақт ичida Фарғоний қадимги манбалар асосида нилометрни тиклади. Унга “Миқёс ан-Нил” яъни Нил ўлчагич деб ном берилади. Фарғоний тиклаган курилма олдингиларидан кўра анча аниқ ва тўғри кутилмаларни бера олган.

Тарихда бу курилма бир неча бор қайта таъмиранган. Унда қурилмани қайта тиклашга хисса қўшган ҳукмдорлар номи ва Қуръон оятлари ҳам битилган. Бу қурилма то XX аср ўрталарига қадар қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиб келинган. Бугунги кунда Миқёс ан-Нил Мисрнинг сайёҳлар кўп борадиган тарихий обидалари қаторидан жой олган.

Рустам ЖАББОРОВ